ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 19 (10.324) / 2005 ЙИЛ 28 ЯНВАРЬ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

27 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев мажлисни очиб, қонунчилик палатасига сайлов якунлари тўғрисида ахборот берди ва депутатларни сайлангани билан табриклади.

Депутатлар кун тартибини тасдиқладилар, қонунчилик палатасининг муваққат котибиятини, электрон тизимдан фойдаланиш бўйича муваққат назорат гуруҳини сайладилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди.

Марказий сайлов комиссияси раисининг таклифига биноан ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ депутатлар Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодлар кўрсатиш учун Оқсоқоллар кенгашини ташкил этдилар.

Оқсоқоллар кенгаши йиғилишини ўтказиш учун эълон қилинган танаффусдан сўнг мажлисга раислик қилувчи парламентнинг Қонунчилик палатаси ва унинг қўмиталари раҳбарларини сайлаш бўйича Оқсоқоллар кенгаши томонидан тавсия қилинган тамойиллар ҳақида ахборот берди.

Депутатлар Оқсоқоллар кенгаши ишлаб чиққан тамойилларни маъқуллаш тўғрисида кўпчилик овоз билан қарор қабул қилдилар.

Марказий сайлов комиссияси раиси Оқсоқоллар кенгашининг Қонунчилик палатаси Спикери лавозимига номзод бўйича таклифини ўқиб эшиттирди. Депутатлар яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери лавозимига Эркин Халиловни сайладилар.

Депутатлар Оқсоқоллар кенгаши томонидан таклиф этилган ҳар икки номзод бўйича алоҳида овоз бердилар ҳамда Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари этиб Машкура Сафаева ва Акром Каримовни сайладилар.

Мажлисга раислик қилувчининг сиёсий партиялар фракцияларини ташкил этиш тўғрисидаги ахборотига биноан Қонунчилик палатаси фракцияларни белгиланган тартибда рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Палатанинг тегишли қўмиталарини ташкил этиш, шунингдек, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг раислари лавозимига номзодлар бўйича қарорлар қабул қилинди, депутатлар қўмиталар сони ва номланишини тасдиқладилар.

Тегишли қўмиталар раислари лавозимларига депутатлар томонидан маъқулланган номзодлар тасдиқланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси ўз ишини якунлади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

27 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев мажлисни очиб, Олий Мажлиснинг Сенатини шакллантириш якунлари тўғрисида ахборот берди ва сайланган сенаторларни табриклади.

Сенаторлар кун тартибини тасдиқлаб, Сенатнинг вақтинчалик котибияти, электрон тизимдан фойдаланиш бўйича вақтинчалик назорат гуруҳини сайладилар.

Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номздлар кўрсатиш учун сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Сенат аъзолари яширин овоз бериш йўли билан Сенат Раиси лавозимига Мурод Шарифхўжаевни, Раис ўринбосарлари этиб Фарруҳа Муҳиддинова ва Муса Ерниязовни сайладилар.

Мажлисга раислик қилувчининг таклифига биноан сенаторлар Сенат қўмиталарини ташкил этдилар ва уларнинг раисларини сайладилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси ниҳоясига етди.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ҳамкорлигида маънавий-маърифий соҳада маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида уюштирилган тадбир ниҳоясига етди.

● **ШАЙХОНТОҲУР** туман ҳокимлигида фаоллар иштирокида бўлиб ўтган йиғилиш жамият тараққиётида аёлларнинг роли масаласига бағишланди.

● **ЎТГАН** куни Акмал Икромов туман ҳокимлигида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ташаббуси билан мактабларнинг "Камолот" сардорлари иштирокида уюштирилган семинар сардорларнинг иш фаолиятини яхшилаш масаласига бағишланди.

● **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида талабаларга ўзбек кино ижодкорлари томонидан яратилган "Маржона" номли бадиий фильм намойиш этилди.

● **СЕРГЕЛИ** туман прокуратураси туман ички ишлар бўлими, туман халқ таълими бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ҳамкорликларида шаҳримиздаги 277-мактабда мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган кўрик-танлов "Сиз қонунни биласизми?" деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** шифокорлар малакасини ошириш институтида "Лаборатория ташхисининг долзарб муаммолари" мавзуида конференция бўлиб ўтди.

● **"МАҲАЛЛА** умидлари" марказида Бектемир туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан келин-куёвлар иштирокида "Келинлик нафосати — оила кўрки" мавзуида тадбир ўтказилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ҳамкорликларида Собир Раҳимов туманида мактабгача тарбия муассасалари раҳбарлари иштирокида боғча ёшидаги болажонлар ўртасида камқонлик ва бўқоқ касалликларининг олдини олиш чораларига бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди.

● **РЕСПУБЛИКА** ўқувчилар саройида радио ҳаваскорлар томонидан тайёрланган радио аппаратлари кўргазмаси намойиш этилди.

● **ЯККАСАРОЙ** тумани мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида туман халқ таълими бўлими, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорликларида спортнинг ўқ отиш тури бўйича ташкил этилган мусобақалар якунланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ХХI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **Тошкентда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда мамлакатимизда амалга оширилган ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантиришнинг 2001-2005 йилларга мўлжалланган лойиҳаси якунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида оммавий ахборот воситалари ҳамда экология соҳаси вакиллари иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Ўзбекистонда халқаро экологик лойиҳалар» мавзусига бағишланди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида «Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий семинар ўтказилди.**

● **Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида «Тўрт карра йўқ» дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

● **Бухоро вилоятида хусусий тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга ихтисослашган «Умид» кредит уюшмаси уч йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида «Умид» томонидан умумий қиймати деярли 460 миллион сўмлик 500 дан ортиқ кредитлар ажратилди.**

● **Фарғона гарнизонининг ҳарбий қисмида замонавий спорт мажмуаси қуриб, фойдаланишга топширилди. Янги мажмуа тез орада сузиш ҳавзасига ҳам эга бўлади.**

● **Нурота шаҳридаги «Нурота мармар» хусусий ишлаб чиқариш корхонасига замонавий линиялар ўрнатилгач маҳсулот кўлами ва сифати ошди. Ўтган йили қарийб 38 минг квадрат метр мармар плита ишлаб чиқарилган бўлса, маҳсулотнинг муайян қисми Россия, Туркманистон ва Қозоғистонга экспорт қилинди.**

### Жаҳонда

● **Яқин йилларда Европа ва Африка қитъасини 39 километрлик ер ости йўли бирлаштиради. Испания тараққиёт вазири Магдалена Алварес марокашлик ҳамкасби Карим Чалабий ўртасидаги келишувга мувофиқ Гибралтар бўғози остидан ўтказиладиган ер ости йўлига икки томонлама темирйўл ва автотрасса жойлаштирилади.**

● **Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра яқин ўн йил ичида ривожланаётган мамлакатлардаги болаларни эмлаш учун 8-12 миллиард доллар керак бўлади. Бунинг учун Microsoft компанияси асосчиси Билл Гейтс ЖСТга 750 миллион доллар беғараз ёрдам кўрсатди.**

● **Индонезиянинг Сулаверси оролида яна бир бор кучли ер силкиниши содир бўлди. Рихтер шкаласи бўйича 6,2 баллик зилзила оқибатида кўплаб бинолар вайрон бўлган, ҳалок бўлганлар тўғрисида ҳозирча маълумот йўқ.**

● **Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) терма жамоаларнинг январь ойидаги рейтинг рўйхатини эълон қилди. Унга кўра мамлакатимиз терма жамоаси 598 очко билан 47-ўринни эгаллаб турибди.**

# КОРЕЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ТАШРИФИ

**Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Ким Ёнг Гу раҳбарлигидаги Корея кичик ва ўрта бизнес федерацияси вакилларидан иборат делегация мамлакатимиздаги қатор вазирлик ва идораларда музокаралар ўтказди. Мулоқот чоғида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича икки томонлама ҳамкорлик истиқболларига оид масалалар муҳокама этилди.**

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес-марказда «Ўзбекистонда бизнес қилинг!» мавзуида бизнес-семинар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва ташкилотлари вакиллари ҳамда Корея Республикасининг 30га яқин етакчи компаниялари раҳбарлари иштирок этди.

Семинар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан мамлакатимизнинг Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида кўплаб йўналишларда, хусусан савдо-иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорликнинг самарали ривожланаётгани алоҳида таъкидланди. Бунда икки мамлакат давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатлар асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Жанубий Корея сармояси иштирокида ташкил этилган юздан зиёд қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Ўзаро товар айланмаси 2003 йилда 289,9 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 408 миллиондан ошди.

Семинарда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Корея кичик ва ўрта бизнес федерацияси, шунингдек, икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди. Меҳмонлар Ўзбекистонда хорижий сармояларни кенг жалб этиш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Музокаралардан сўнг Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Корея кичик ва ўрта бизнес федерацияси ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**Республика Байналмилал маданият марказида Освенцим концлагери асирлари озод қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. У Германия, Польша ҳамда Исроил давлатларининг мамлакатимиздаги элчихоналари ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди. Тадбирда вазирлик ва муассасалар раҳбарлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар ҳамда турли миллат вакиллари иштирок этдилар.**

# ИНСОН ХОТИРАСИ — МУҚАДДАС

Бундан олтмиш йил муқаддам — 1945 йил 27 январь куни — фашистларнинг Польша ҳудудидаги энг йирик «ажал фабрикаси» — Освенцим концлагерида тирик қолган асирлар озод қилинганди. Унда 2 миллиондан зиёд киши ҳалок бўлган эди.

Шу сана муносабати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда Европарламент ташаббусига кўра, жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Халқимиз Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистларга қарши мардонавор курашиш баробарида фронт ортида ҳам фидокорона меҳнат қилди. Ўзбек халқи уруш олови остида қолган халқларнинг минглаб вакилларини ўз бағрига олиб, бошпана берди.

Инсониятнинг осойишта келажаги йўлида ўз жонини қурбон қилганлар хотирасига юртимизда ҳамиша катта ҳурмат билан қаралади. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 9 майнинг Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланиши, пойтахтимизда Хотира майдонининг барпо этилиши бунинг ёрқин далилидир. Зеро, инсон хотираси ҳамиша муқаддас.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари И.Мавлонов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ШАҲРИМИЗ ОБ-ҲАВОСИ

**Бугун ердан нигоҳингни узиб, юқорига қарасанг, вақти-вақти билан кичкина нуқтачаларнинг пастга тўкилаётганлигини кўрасан. Осмондан ерга талпинаётган бу қор парчалари бутун заминни оқликка буркаётгани кишини ҳайратга солади.**

Бир неча кунлардан буён ўлкамизда тўхтаб-тўхтаб ёғаётган қор шаҳримиз кўчаларию хиёбонларини, баланд-паст дарахтларни — бари барини ўзининг заррин парчалари билан безамоқда. Табиатнинг қалби ила яратилаётган бу гўзаллик қиш фаслига хос бўлган хусусиятлардан биридир, лекин кейинги йилларда бу гўзаллик бизни бироз тарк этдими-ки, барчамиз қалин оппоқ қорни соғиниб қолдик.

— Дарҳақиқат, 1997-1999 йилларда ҳамда 2001 йилларда ҳаво ҳарорати анча пасайган бўлсада, лекин кейинги уч йил ичида қиш фасли нисбатан илиқ келди, — деди фикримизни тасдиқлаб Республика гидрометеорологик маълумотлар билан таъминлаш хизмати бошлиғи Фотима Қосимова. — Мамлакатимизга шимолий ғарбдан келган совуқ ва нам ҳаво оқими оқибатида 26 январдан бошланган қорнинг вақти-вақти билан ёғиши 30 январгача кузатилади. 31 январь-1 февраль кунлари қор ёғиши кутилмайди. Баъзи жойларга эса туман тушади. Ғарбий шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Ҳарорат эса 28-31 январь кунлари кечаси 10-15, кундузи — 0-5 даража атрофида совуқ бўлади. Қишнинг сўнгги фасли — 1 февралдан ҳарорат бироз кўтарилиб, кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлиши кутилмоқда. Совуқ оқим, вақти-вақти билан ёғиб турган қор таъсирида пойтахтимиз кўчаларида яхмалак бўлиб, транспорт қатнови қийинлашади...

Бироқ ҳамма нарсанинг ўз ўрнида бўлгани яхши. Қишда қорнинг қалинлиги баҳорда анҳорларимизда тўлиб сув оқишига, ёзда эса мўл-кўл ҳосил учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмайлик. Бундай гўзаллик бизни ҳеч қачон тарк этмасин.

**Шаҳло ҲОШИМОВА**

*Ҳунари гўзаллар*

# ИНТИЛГАНГА ОМАД ЁР

**Уста сандиқсоз оиласида дунёга келган Убайдулла ёшлигидан ҳунарга меҳр қўйди. Отаси машҳур сандиқсоз Патхулла Қосимовнинг ишларини нафақат қизиқиш билан кузатарди, балки кичиклигиданоқ унга ёрдам берар, айрим юмушларни эса қойилмақом қилиб бажариб ҳам кўярди.**



Бугунги кунда ҳунарга, ҳунармандчиликка бўлган ана шу меҳр Убайдулла Қосимовни фақатгина юртимизга эмас, яратган бетакрор санъат намуналари орқали чет мамлакатларга ҳам танитди. Бунинг асосий боиси эса изланиш, янгиликка интилиш, миллий қадриятларимиз эъзози, ота-боболаримиз ҳунарларини қадрлаш ва уни меҳр-муҳаббат билан давом эттириш, десак асло муболаға бўлмайди.

Убайдулла Қосимовнинг тинимсиз меҳнатлари самарасини пойтахтимизда, республикамиз вилоятларида ўтказилаётган кўрик-танлов ва кўргазмаларда, дунё мамлакатларида бўлиб ўтаётган халқаро ярмаркаларда кўриб нафақат кўзингиз қувнайди, балки мустақил юртимизни, ҳунармандчилик анъаналаримизни жаҳонга танитаётганидан қалбингиз фахрга тўлади.

— Болалигимдан биринчи устозим — отамдан ҳунар сирларини ўрганар эканман, — дейди Убайдулла Қосимов, — унинг энг нозик қирраларини ҳам эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қилардим. Албатта, амалий ўрганганларимни назарий жиҳатдан мустаҳкамлаш зарурлигини ҳам жуда яхши англадим. Шунинг учун ҳам Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг бадиий графика факультетида таҳсил олдим. Институтни тугатгач эса мустақил равишда ишлай бошладим. Шубҳасиз, ҳар бир ишимда отамнинг, устоз ҳунармандларнинг ўгит ва кўрсатмаларига амал қилдим. Бу эса муваффақиятларимга асос бўлди.

Убайдулла Қосимов яратган турли ўлчам ва ҳажмдаги қутичалару сандиқларга берилган безаклар, нафис жилолар ўзига хос жилвакорлиги ва бетакрорлиги билан ажралиб туради. Уста яратган сандиқлар шарқона урф-одатларимизнинг миллий кўриниши бўлиши баробарида янги оилалар хонадонларини безашда ҳам аҳамият касб этмоқда.

Убайдулла «Ҳунарлининг қўли гул» нақлига амал қилиб шарқ миниатюраси йўналишида ҳам ўз билимларини, маҳоратини синаб кўрмоқда. Халқ амалий санъатининг ушбу соҳасини ҳам мукаммал эгаллаш мақсадида забардаст усталар, нафис асарлар соҳиблари — Ниёзали Холматов ва Боҳодир Йўлдошевлардан сабоқ олди, ўгит ва кўрсатмаларига амал қилди. Натижа эса кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Қисқа вақт ичида у ўз йўналиши асосида асарлар ярата олди.

Кечаги шогирд бугун ўнлаб шогирдларнинг севимли устози. Унинг маҳоратли шогирдлари айни пайтда устозлари билан ёнма-ён меҳнат қилмоқда. Шуни таъкидлаш ўринлики, уста яратган бетакрор санъат наъмуналари халқимиз маданияти нақадар бойлиги, маҳоратли ҳунармандларимиз билимдонлигининг ёрқин кўриниши бўлиб жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидаги халқаро кўргазмаларда муваффақият қозонмоқда, хорижликларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Айниқса, Германия Франция, Венгрия, Австрия, Голландия, Япония, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа қатор давлатларда бўлиб ўтган кўргазмаларда бундай асарлар мустақил Ўзбекистонни яна бир бор жаҳонга танитди.

— Халқаро кўргазмалардаги муваффақиятлар, барча иштирокчиларнинг санъат асарларимиз, бетакрор маҳсулотларимиз ҳақидаги эътирофлари, қизиқишлари менга алоҳида кўтаринкилик, ўз устимда тинмай ишлаш, янги-янги асарлар яратиш иштиёқини беради, — дейди моҳир уста. — Бу албатта мустақиллик йилларида ҳунармандчиликка қаратилган катта эътибор, ҳунармандларга берилган имтиёзларнинг натижасидир.

Анъанага айланиб қолган «Ташаббус» кўрик-танлови Убайдулла Қосимовни яна бир бор эл-юртга танитди, меҳнатлари юксак баҳога сазовор бўлди. У 1998 йилда кўрик-танловнинг шаҳар босқичида биринчи ўрин соҳиби, республикада эса лауреатликни қўлга киритган бўлса, ўтган 2004 йилда шаҳарда яна ғолиб бўлиб «Энг яхши ҳунарманд» номини олди. Президент соврини учун бўлиб ўтган республика танловида қатнашиш шарафига муваффақ бўлиб, фахрли 2-ўрин соҳибига айланди.

Бу муваффақиятларнинг барчаси изланишлар, тинимсиз меҳнат самараси, албатта. Шунинг баробарида моҳир уста учун эришилган ютуқлари ҳақиқий илҳом манбаи. Шу боис ҳам Убайдулла Қосимов Янги йилни дилида ўзгача эзгу ниятлар билан бошлади. У ҳам сандиқсозлик соҳасида, ҳам миниатюра йўналишида ўз мухлисларини бетакрор асарлари билан янада хушнуд этишга аҳд қилди. Нима ҳам дердик: ахир интилиб яшаганга ҳамиша бахт ва омад кулиб боқаверади-ку.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: моҳир сандиқсоз уста Убайдулла Қосимов шогирди билан.**

*Биласизми?*

## ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

“ЭШИТИШ дерматити” деган касалликни биласизми? У — телефонда узоқ гаплашиш натижасида пайдо бўлувчи қулоқ териси касаллигидир.

“Қулоқда телефон жаранги” деб аталувчи яна бир касалликнинг келиб чиқиш сабаблари ҳам айнан шундай.

* * *

САМОЛЁТДА узоқ масофаларга кўп учиш туфайли хилма-хил оёқ касалликлари пайдо бўлиши мумкин. Кўп вақти катта баландликда ўтувчи стюардессаларда қорин шиши касали кузатилади.

Уни ғарб мамлакатларида “Жет тами” — “реактив қорин” деб ҳам аташади.

* * *

ТЕЛЕВИЗОРНИ муттасил узоқ вақт кўриш эса кўз, оёқ ва бўйин касалланишига олиб келади. Америкалик шифокор Э.Планкетт бу касалликларни “ТВ-кўз”, “ТВ-оёқ”, “ТВ-бўйин” деб аташни тавсия этди.

* * *

АВТОМОБИЛЬ ҳам бир қанча касалликларга сабаб бўляпти. Чунончи ҳайдовчиларда товон, тизза, елкада оғриқ пайдо бўлиши ва ойна тозалагичнинг бир маромдаги ҳаракати туфайли бош оғриши кўп кузатилади.

Юқорида санаб ўтилган касалликларга қарши бирон бир дори-дармон ҳозирча йўқ. Шифокорларнинг маслаҳати эса оддий: телефонда кўп гаплашмаслик, телевизорни камроқ кўриш, кўпроқ очиқ ҳавода бўлиб, пиёда юриш керак.

## «13» РАҚАМИНИНГ СИРИ

Кўпгина халқларда 13 бахтсиз рақами ҳисобланишини эшитганмиз. Баъзи халқлар бу рақамни «бахт келтиради» деб билишади.

Европа, Яқин Шарқ ва Америка мамлакатларида буни яққол кўриш мумкин. Ҳатто Англия ва АҚШдаги бир талай меҳмонхоналарда «13» рақамли хона бўлмайди: 12-қаватдан кейин 14-қават бошланади.

Хўш, бунинг сабаби нимада? Қадимги замонларда бобилликлар ва оссурияликлар 12ни «яхлит сон» ҳисоблашган. 12 рақами 2, 3, 4 ва 6га осонгина бўлинган. Шунинг учун «12»ни аллақандай «сеҳрли» кучга эга деб ўйлашган.

Қадимги астрономлар бу мулоҳазадан келиб чиқиб, осмонни 12 қисмга, йилни 12 ойга, кунни эса 12 соатга бўлишган.

Бу ҳол динда ҳам ўз аксини топган. Исо пайғамбарнинг 12 та издоши, ундан олдин ўтган Будданинг ҳам 12 нафар шогирди бўлган деган гап бор.

Шунинг учун «13»ни, «12»нинг «илоҳий уйғунлиги»га қарама-қарши ўлароқ, «жин урган рақам» деб ҳисоблашган.

*2005 — Сиҳат-саломатлик йили*

## ЯНГИ БИНОГА ЭГА БЎЛИШДИ

**Юртимизда соғлом одамлар билан бир қаторда имконияти чекланган ногирон инсонлар ҳам турли жабҳаларда фаолият юритишади. Шунинг учун ҳам уларни қўллаб-қувватлайдиган, ҳимоялайдиган, муаммоларини ечишда ёрдам берадиган бир ташкилот зарур эди. Давлатимиз томонидан кўрсатилган эътибор туфайли 1991 йилда Республика Ногиронлар жамияти ўз ишини бошлаган эди.**

Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги, «Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги қонунлар, амалдаги қонунчилик, ногиронлар ҳуқуқлари ҳимоясига доир Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро меъёрий ҳужжатлар, ногиронларни тенг имкониятлар билан таъминлашнинг аниқ қоидалари ва низомига биноан амалга оширади.

Жамиятнинг асосий вазифаси ногиронларга тенг имкониятлар яратиш, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашишлари учун уларга кўмаклашиш, баҳоли қудрат меҳнатга жалб этиш, ижтимоий-маиший масалаларни ҳал қилишда кўмаклашиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир.

Жамият шу йиллар мобайнида кўпгина ишларни амалга оширди. Ўтган Меҳр ва мурувват йилида Тошкент шаҳар ҳокимлиги улар учун керакли қулайликларга эга алоҳида бино ажратди. Яқинда ана шу бинода Ногиронлар жамияти фаолият бошлашига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Унда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигидан А.Иноқов, NEW HOPE Реабилитация марказидан Рональд Хонг, Юнусобод туман ижтимоий таъминот бўлимидан Н.Амирова ва бошқалар сўзга чиқиб давлатимиз томонидан ногиронлар учун кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида тўхталиб, ногиронларнинг ҳамиша жамиятнинг тенг аъзоси бўлишлари йўлида тегишли шарт-шароитлар яратилишини таъкидлаб ўтдилар. Санъаткорлар эса ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд қилишди.

**Хонбиби МАҲАМОВА**



Қовоқ минг дардга даво.

## ЭНГ-ЭНГ-ЭНГ

Энг катта маблағ талаб қилган реклама қайси эканлигини биласизми? Бу «Вевок» фирмаси томонидан тайёрланадиган оёқ кийимлар рекламасидир. Бу рекламанинг уч минутлик намойиши учун 8000 нафар спортчи жалб қилиниб, нақд 4 миллиард доллар сарф этилган.

* * *

АҚШдаги Захари Стренкелтни ҳар кун эрталаб боғча олдида кўрганлар уни икки укасини боғчага элтиб қўяётган меҳрибон «ака» деб ўйлашлари турган гап, аммо у меҳрибон ака эмас, балки икки аканинг дунёдаги энг катта укасидир. Бу улкан болакай ота-онасининг айтишича кун сайин эмас, соат сайин ўсмоқда. У 1,5 ёшида 25 кг тош босарди.

Уни текширувдан ўтказган мутахассислар унда ҳеч қандай касаллик аломатини топишмади.

* * *

Гвадалупеда туғилган Мария Каболни яқинлари «шиша аёл» деб аташади.

Унинг энг яхши кўрган таоми шиша қадаҳдир. Ҳайрон бўлманг, у шу кунгача 38.000га яқин шиша қадаҳларини паққос туширган, шунга қарамай ҳануз тўрт мучаси соғ.

* * *

АҚШнинг Оттава шаҳрида ердан 5 км тепада энг катта фигура ясалди. Унда 246 та парашютчи ўз маҳоратларини намойиш этишиб, бир бирларининг қўлларини ушлаган ҳолда 3 секунд вақт ичида осмонда тура олишлари керак эди. Улар бу рекордни машғулот пайтида бахтсиз фалокат туфайли ҳалок бўлган ҳамкасблари Сэнди Вомбит хотирасига бағишлашди.

**Дилноза ЭГАМҚУЛОВА,**
**тайёрлади.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
TOSHKENT
МБМ

## «ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

**Сизларни биржа савдоларига таклиф этади**

**БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН:**

- Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси. Бошланғич нархи – 750 000 000 сўм;
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уйда жойлашган, майдони 84 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи – 2 939 110 сўм;
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 6-уйда жойлашган, майдони 60,7 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи – 2 540 396 сўм;
- Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кирки тор кўчаси, 34-уйда жойлашган, майдони 1473 кв.метр бўлган бино. Бошланғич нархи – 48 648 225 сўм;
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор-6/7 манзилида жойлашган, майдони 47 кв. метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи — 2 316 603 сўм;
- Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида жойлашган «Олой» бозори асосий биноси фойесининг майдони 16,5 кв.метрга тенг бўлган 19-қисми. Бошланғич нархи – 5 775 000 сўм;
- Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, «Ҳ.Олимжон» майдони, ғарбий томонида жойлашган «Пойтахт бизнес мажмуаси» биносининг 1-қаватидаги, майдони 16 кв. метрга тенг бўлган қисми (Ц-блоки) Бошланғич нархи — 5 841 600 сўм;
- Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Сағбон-Форобий кўчалари кесишуви, 5-6-7-уйлар, 4-блок, 2-секция манзилгоҳида жойлашган, умумий майдони 158 кв.метрга тенг бўлган бино қисми. Бошланғич нархи - 23 901 328 сўм;
- Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Жанубий саноат ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1109,3 кв.метрга тенг бўлган 2-қозонхона бино ва иншоотлари. Бошланғич нархи - 17 329 792 сўм;
- Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Отчопар кўчаси, 66-уйда жойлашган, «Зилола» болалар соғломлаштириш оромгоҳи. Бошланғич нархи - 119 545 220 сўм;
- Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Ракатбоши кўчаси, 15-уйда жойлашган бино ва иншоотлар. Бошланғич нархи — 10 697 313 сўм;
- «Руслан Шамшади» хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги станоклар:

— Станок СМЖ-357. Бошланғич нархи – 1 400 221 сўм,

— 1Г 340 П револьверли токарлик дастгоҳи. Бошланғич нархи – 5 338 396 сўм.

***Шунингдек, савдоларда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган «Автомакон» ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги майдони 18 кв.метрга тенг бўлган дўконлар сотилмоқда. Ҳар бир дўконнинг бошланғич нархи 3 000 000 сўм.***

**Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.**
**Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.**
**www.tshmbm.uz; Эл.почта:Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz**

Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан 1997 йил октябрь ойида «Сейгал Интернейшнл» хусусий фирмасига берилган ижара шартномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Циркда ишлаш учун 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган, хореографик (акробатика) тайёргарликка эга бўлган йигитлар ва қизлар қабул қилинади.**

**Цирк маъмуриятига соат 12.00 дан бошлаб ёки 144-34-35; соат 20.00 дан кейин эса 123-95-67 телефонларига мурожаат қилинг.**

**«Ўргатилган кучукчалар» номерида ишлаш учун циркка ҳайвонларни парвариш қилувчи хизматчилар керак.**

**144-35-87 телефонига қўнғироқ қилиб, 286 (ички телефон) рақамини улаб беришни сўранг.**

**40-48-00 телефонига эса соат 20.00 дан кейин мурожаат қилинг.**

## «02»: ҲОДИСАЛАР

### ОМАДСИЗ БОСҚИНЧИЛАР

Чилонзор туманида 2 та номаълум шахс, "Чилонзор буюм бозори" олдида Наманган вилояти, Янгиқўрғон туманида яшовчи Мансур бошқарувидаги "Тико" русумли автоуловга йўловчи сифатида ўтириб, Гавҳар кўчасига етиб келгандан сўнг Мансурни пичоқ билан қўрқитиб, уриб, 180000 сўмлик "Сони" автомагнитоласи, 40000 сўмлик дублёнкаси ва 12000 сўм пулларини тортиб олиб, қочиб кетишган.

Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида Жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси ва пост-патруль хизмати ходимлари томонидан Борий ва Ибратлар ушланиб, далилий ашёлар олинган. Яқин кунларда улар қонун олдида жавоб беришади.

### НОЖЎЯ ИШ

Чилонзор туманидаги Оқтепа даҳасида яшовчи Ҳамидулла ва шу даҳада яшовчи Евгенийлар ўзларига тегишли "Тико" русумли автоуловга, Муқимий кўчасида, танишлари, Сувсоз кўчасида яшовчи Тоҳирани йўловчи сифатида олиб, уни ухлаб қолганидан фойдаланиб, 200000 сўмлик сариқ металлдан ясалган занжирини ўғирлаб кетишган. Танишлари оғушида ухлаб қолиб, тилла тақинчоғининг йўқолганлигини кеч бўлса да англаб етган Тоҳира ҳар қалай қайси машинада ухлаб қолганлигини эслади. Натижада Ҳамидулла ва Евгенийлар қўлга олиниб ҳозирда терговчи саволларига жавоб беришмоқда.

### МАСТЛИК ОҚИБАТИ

Собир Раҳимов туманида муқаддам судланган, Шумилов станцияси атрофида яшовчи Дамир маст ҳолда, калит танлаш йўли билан, Қорақамиш 1/2даҳасида яшовчи Светлананинг уйидан 1 дона гиламни, тикув машинаси, телефон аппарати ва биллур идишларини ўғирлаб кетаётган вақтида шу ерда хизмат олиб бораётган, «Тун» махсус тадбирига жалб қилинган профилактика нозири ва пост-патруль хизмати ходимлари томонидан далилий ашё билан ушланди.

### ОҒУФУРУШ ҲИБСДА

Чилонзор туманида тезкор ходимлар томонидан Чилонзор 10-1 уй олдида, Сурхондарё вилояти, Шеробод туманида яшовчи Жавлон чўнтаги, ёнидан 28 та идишларга жойлаб, сотиш учун тайёрлаб қўйилган героин моддаси топилиб, тортиб олинди. Тошкентга ғараз мақсадда келган меҳмон, худди шу услубда кутиб олинди. Ҳозирда унинг бошқа жиноятларга алоқадорлиги ўрганилмоқда. Оғуфуруш албатта қонун олдида жавоб беради.

**Дилбар ЁДГОРОВА,**
**Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази жамоатчи мухбири**

---

*Туйғулар*

## ҚОР ЁҒАР, ҚОР ЁҒАР МУСАФФО ҲАВО

**Осмондан товланиб-товланиб, ўйноқлаб ёғаётган оппоқ қорга қараб туриб табиатнинг ўзи уста бир нақкош эканлигига амин бўлмай иложи йўқ кишининг.**



Қиш ўзининг илк қадамларини оқлик рамзи бўлмиш оппоқ қор билан бошлаб берган эди. Бунинг маъноси балки, заминда, умуман одамлар қалбида қора доғлар бўлмасин дегани эмасмикан?

Замондошим, атрофга бир боқ. Қандай гўзал, нафис қор зарралари ўйноқлаб-ўйноқлаб замин юзини оққа бўямоқда. Балки она табиат одамларни бир-бирларига адоват назари билан боқмасинлар, менинг гўзаллигимдан баҳра олсинлар дея, шу қорларни ёғдираётгандир...

Балки, кўзларда, нигоҳларда ғазаб ва нафрат олови эмас, яхшилик ва эзгулик нурлари чарақласин, дея жони куяётгандир уни.

Асрдошим, кимдир сени ранжитдими, дилинг яраланиб, қалбинг пора-пора бўлдими? Кўй, бўғилма. Секингина ташқарига чиқ, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас ол, табиатнинг уста мусаввирлигига тасаннолар айт! Атрофингда сени севувчи, эъзозловчи қанчадан қанча қора кўзлар бор эканлигини, улар ҳам сенинг меҳрингга, ширин сўзингга зор эканликларини ҳис эт ва эсла.

Ҳовурингни боса олмаяпсанми, дилинг музлаб, қалбинг яраланаяптими? Унда бошингдан соябонингни олу, ўзингни оппоқ қорлар ихтиёрига топшир. Майли улар сочларингга қўнсинлар, юзларингни қизартириб бурунларингни чимчилаб олсинларда мудраётган юрагингни уйғотсинлар.

Ахир бу дилхиралик юрагимизга яқин олишга ҳам арзимайдику. Дўстимизнинг хиёнати, ҳамкасбимизнинг ўйламай айтиб юборган ножўя гапи, болаларимизнинг ёшлиги-ю, шўхлиги бу айтарли баҳона эмаску.

Аммо одамзот яшар экан асабийлашаверади, ўз умрини эговлайверади, арзиган-арзимаган нарсаларни ўйлаб қалбимиз тирналаверади. Нега шундай экан-а?

Етти мучамиз соғ, оиламиз тинч, яқинларимиз саломат, асосийси эса юртимиз тинч, қозонимиз қайнаб турибди-ку. Нега ҳадеб хунобимиз ошаверади-а? Нега ёнимиздаги шеригимизга ола кўз билан қараймиз, тушуниб тушунмаганга оламиз? Одамзот бу кўҳна оламда мезбон эмас, меҳмон, шундай экан умримиз мазмунини бойитайлик. Кимгадир хасад кўзи билан эмас, ҳавас кўзи билан боқайлик.Агар шунда ҳам юрагимиздаги ғашлик сўнмаса яна оппоқ қорларга боқайлигу, унинг мусаффолигини сўрайлик ўзимизга.

Оиламизга тинчлик, болаларимизга соғлик тилайлик. Яқинларимиздан айрилмайлик илоё. Ғийбатлару, ғурбатлардан узоқроқ бўлайлик.

Шу сатрларни ёза туриб деразадан ташқарига қарайману биллурдек товланаётган қорга қараб руҳим тетиклашади, кўнглимда ажиб бир соғинч уйғонади. Болаликнинг пок ва беғубор кунларига қайтгим келади. Соғинчларим қулоч очаверади. Лабларим пичирлайди, раҳмат сенга қор, мудраётган вужудимни уйғотиб юборганинг, қалбимга софлик ва ором бағишлаганинг, соғинчли туйғуларимни тўзғитиб юборганинг учун!

Қадамларинг қутлуғ келсин. Оқлик ва поклик рамзи, гўзалликнинг ёрқин тимсоли, табиатнинг олий эҳсони бўлмиш ОППОҚ ҚОР! Ёғавер чор-атрофни оқликка белаб, мудроқ қалбларни уйғотиб, диллардаги ғуборларни тарқатиб буралиб-буралиб ёғавер, замин бағрига сингиб кетсин эзгулик томчилари ва бир кун бош кўтарсин қуёшла балқиб, салом нурли кун дея!

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

---

*Бўш вақтингизда*

## СКАНВОРД




**Фозилжон ОРИПОВ тузди**

**Газетанинг шу йил 14 январь сонида берилган кроссворднинг жавоблари:**

**Диагоналлар бўйича:** 1. Қорабайир. 2. Коломбо. 3. Бисквит. 4. Билакузук. 5. Совут. 6.Акбар 7.Обжувоз. 8.Гигиена. 9.Комедия. 10.Интизом. 11.Термостат. 12.«Ҳиндистон». 13.Пирамон. 14.Уммат. 15.«Ёдгор». 16. Гонорар.

**Чистон муаммонома: Очқич сўзлар:** 1. «Саёҳатнома». 2. Каюмарс. 3. Гўжа. 4.Дело. 5. Қавс. 6.Мис. 7.Баҳо. 8.Май.

**Чистон: Бир ажойиб жонивор кўрдим саҳрода, Мингта ўқ ебдию кетар пиёда.**

**Жавоби: Типратикан.**

---

## ҲАР КИМНИКИ ЎЗИГА

Ҳа, дунёда ғаройиб қонунлар бор. Бунга мисоллар келтиришимиз мумкин.

Индиана штатидаги Гери шаҳрида саримсоқ пиёз еганидан кейин тўрт соат ўтмай трамвайга чиққан ҳар қандай одам жазоланади.

* * *

Айдахо штатидаги Монри шаҳрида танца тушаётган йигит ва қиз орасида кўзга кўринарли оралиқ қолиши шарт.

* * *

Калифорнияда овчилик паттаси бўлмаган кишининг сичқонга қопқон қўйиши мумкин эмас.

* * *

Иллинойс штатидаги Жолет шаҳрида аёл агар битта дўконда олтитадан зиёд кўйлакни ўлчаб кўрса қамоққа олинади.

* * *

Мичиган штатидаги Соулт Сти-Мери шаҳрида шамолга қарши туфлаш жамоат тартибини бузиш ҳисобланади.

* * *

Кентукки штатида қўлида хипчини бўлмаган аёл кишининг чўмилиш кийимида юриши мумкин эмас.

* * *

Аризона штатидаги Мохева шаҳрида совун ўғирлаган одам ҳаммомда то совун тамом бўлмагунча ювинишга мажбур.



— Лабзиз борми ахир, тунов куни, энди сира ичмайман деб ваъда берган эдингиз-ку.

— Кайфим борида айтган бўлсам айтгандирманда хотин.

**А.Ҳакимов чизган расм.**

---



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2865 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-208. 1 2 3 4 . 6